



20 20 у « 23 » октябр

№ Қ-1650

« \_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20 \_\_\_ г

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
“Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий  
таваллудининг 580 йиллигини кенг  
нишонлаш тўғрисида” 2020 йил  
19 октябрдаги ПҚ-4865-сонли ҳамда вилоят  
хокимининг 2020 йил 21 октябрдаги  
Қ-586-сон қарорлари ижросини таъминлаш  
тўғрисида

Буюк шоир ва мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоийнинг бебаҳо ижодий-илмий мероси нафақат халқимиз, балки жаҳон адабиёти тарихида, миллий маданиятимиз ва адабий-эстетик тафаккуримиз ривожига алоҳида ўрин тутди. Улуғ шоир ўзининг шеърий ва насрий асарларида юксак умуминсоний ғояларини, она тилимизнинг беқиёс сўз бойлиги ва чексиз ифода имкониятларини бутун жозибаси ва латофати билан намоён этиб, ер юзидаги миллионлаб китобхонлар қалбидан муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллади.

Жонажон Ватанимиз “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” деган бош тамойил асосида тараққиётнинг бутунлай янги босқичига қадам қўйиб, янги уйғониш даври – учинчи Ренессанс пойдеворини яратаётган бугунги кунда Алишер Навоийнинг безавол адабий мероси мисолида ўзбек адабиёти ва маданиятини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу муносабат билан, буюк давлат арбоби, сўз мулкининг султони, ўзбек адабий тилининг асосчиси Мир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини туман бўйлаб кенг нишонлаш мақсадида,

### **Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида” 2020 йил 19 октябрдаги ПҚ-4865-сонли ҳамда вилоят хокимининг 2020 йил 21 октябрдаги Қ-586-сон қарорлари маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини нишонлаш бўйича ташкилий қўмита таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини нишонлаш доирасида ўтказиладиган тадбирларни юксак савияда ташкил

этилишини, мазкур қарорнинг ўз вақтида, сифатли амалга оширилишини мувофиқлаштириб борсин.

3. Вилоят ҳокимининг мазкур қарорига кўра Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини нишонлаш бўйича амалга ошириладиган чоратadbирлар дастури тасдиқланганлиги инобатга олинсин.

4. Туман Маданият бўлими (М.Абдуллаев) шоир ғазаллари асосида “Назм ва наво” кечаларини, мақом танловларини ташкил этсин.

5. Қумқўрғон садоси” газетаси бош муҳаррири (Р.Менгзияева)га Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ тadbирларни кенг ёритиш, шоир асарлари асосида мақолалар тайёрлаш тавсия этилсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Н.Алланазаров зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Р.Гаппаров



Туман ҳокимининг  
2020 йил “13” октябрдаги  
Қ-1650 -сонли қарорига  
илова

**Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини нишонлаш бўйича  
ташкилий қўмита таркиби**

- |               |   |  |
|---------------|---|--|
| Р.Гаппаров    | - | Туман ҳокими, ташкилий қўмита раиси                              |
| Н.Алланазаров | - | Туман ҳокими ўринбосари, ташкилий қўмита<br>раисининг ўринбосари |
| Ғ.Муҳаммадиев | - | Туман ҳокимининг маслаҳатчиси                                    |
| Н.Исматов     | - | Туман Халқ таълими бўлими мудир                                  |
| Х.Улуғова     | - | Туман Мактабгача таълим бўлими мудир                             |
| М.Абдуллаев   | - | Туман Маданият бўлими бошлиғи                                    |
| Ф.Мустанов    | - | Туман Қурилиш бўлими бошлиғи                                     |
| Ш.Поянов      | - | Туман Молия бўлими мудир   |
| А.Холтўраев   | - | Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими бошлиғи                      |
| Ш.Мамадиев    | - | Маънавият ва маърифат бўлинмаси раҳбари                          |
| М.Тоштемиров  | - | Туман ҳокимлиги бош мутахассиси                                  |